

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КУРБОНОВА ЗУМРАД ЧУТБАЕВНА

**ВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ
СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ ВА ЖИГАР ЦИРРОЗИДА ГЕМОСТАЗ
ТИЗИМИ БУЗИЛИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.29- Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Курбонова Зумрад Чутбаевна

Вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррозида
гемостаз тизими бузилиши хусусиятлари 3

Курбонова Зумрад Чутбаевна

Особенности нарушений системы гемостаза у больных с
хроническими гепатитами и циррозом печени
вирусной этиологии 21

Kurbonova Zumrad Chutbaevna

Features of hemostasis system disorders in chronic hepatitis
and liver cirrhosis with viral etiology 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КУРБОНОВА ЗУМРАД ЧУТБАЕВНА

**ВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ
СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ ВА ЖИГАР ЦИРРОЗИДА ГЕМОСТАЗ
ТИЗИМИ БУЗИЛИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.29- Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib696 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабаджанова Шаира Агзамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудова Азиза Джумановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Таджиев Ботир Мирхашимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 йил «29» 08 куни соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871)150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (641 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871)150-78-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «9» VII да таркатилди.
(2019 йил «9» VII даги 9 рақамли реестр баённомаси).



А.Г.Гадаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А.Набиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л.Аляви
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда хазм қилиш аъзоларининг саратони бўлмаган касалликларидан кузатилган ўлим ҳолатлари сабаблари орасида жигар циррози биринчи ўринда туради. Сурункали гепатит ва жигар циррози ривожланишининг асосий сабабларидан бири бўлиб, «...гепатит В ва С вируслари билан зарарланиш ҳисобланади. ЖССТнинг маълумотларига кўра, дунёда тахминан 325 млн. одам парентерал гепатит вируслари билан зарарланган бўлиб, 500 млн. дан кўп одамлар клиникасиз вирус ташувчиликка эга. 2015 йилда вирусли гепатит туфайли 1,34 млн. ўлим ҳолати кузатилган бўлиб, сил ва одам иммун танқислиги вирусли туфайли кузатилган ўлим ҳолатларига нисбатан юқори...»¹ қайд этилган. Қатор олимларнинг ишлари натижаларида организм энергетик алмашинуви ва гемостаз тизимининг қон кетишини олдини олиш, қон айланиш бузилиши, зарарланган қон томирлар ҳамда тўқималарни тиклаш фаолияти ўзаро мутаносиб ишлайди: тўқималар метаболизмининг фаоллиги гемостаз тизими турли хил компонентларининг ҳосил бўлиш ва сарфланиш тезлигини таъминлайди. Гемостатик тизим физиологияси жигар фаолияти билан боғлиқ, чунки гепатоцитлар кўплаб коагуляцион омиллар, антикоагулянт оқсиллар, фибринолиз тизими компонентлари ва тромбоцитопоз стимуляторларини ишлаб чиқаради. Жигар циррози билан касалланган беморларда қизилўнгач варикоз кенгайган веналаридан қон кетиши, гематомалар, геморрагик пурпура, бурундан ва милқдан қон кетиши, меноррагиялар каби асоратлар кузатилиши ҳозиргача долзарб клиник муаммо бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда сурункали гепатит ва жигар циррозида гемостаз тизими бузилиш хусусиятларини олдини олишда юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, новироз этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррози билан касалланган беморларда геморрагик синдром клиник кўринишини асослаш, беморларда тромбоцитлар миқдори ва функционал хусусиятларини сифат кўрсаткичларини асослашдан иборат. Турли этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррози билан касалланган беморларда томир-тромбоцитар, коагуляцион гемостаз ўзгаришларини қиёсий таққослаш ҳамда жигар циррози билан хасталанганларда учрайдиган орттирилган коагулопатияни даволаш тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш механизминини ишлаб чиқишдан иборат. Касалликни ташхислашда геморрагик синдромни олдини олиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини сифат жиҳатдан ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш борасида, жумладан хавфли вируслар орқали тарқалаётган касалликларини ташхислаш ва даволаш даражасини янги поғонага кўтариш бўйича мақсадли чора-

¹«Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 2017 йилда гепатит тўғрисидаги ҳисоботи» (2017).

тадбирлар амалга оширилмоқда. «Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш аҳоли орасида жигар циррози ва сурункали вирусли гепатит касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали гемorragик асоратларни камайитириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда сўнгги йилларда сурункали вирусли гепатит ва жигар циррозини эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини башоратлашга бағишланган ишлар кўп бўлишига қарамасдан, адабиётларда айрим гемостатик кўрсаткичлар аҳамияти муҳокамаси давом этмоқда, бу эса касалликни эрта аниқлаш мақсадида янада мукамал текширишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади. Жигар гемостазда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг паренхимасининг диффуз ўзгариши қон ивиш тизимининг мураккаб ўзгаришларига олиб келади (Hartmann M. et all, 2016). Охирги маълумотларга кўра, жигар циррозида гемостаздаги ўзгаришлар ҳам прокоагулянт, ҳам антикоагулянт тизимга тегишли бўлиб, бу тизимлар захираси камайиши натижасида гемостаздаги ўзгаришлар осонликча гипо - ёки гиперкоагуляцияга ўтади (Clevenger B. et all, 2014). Шу билан бирга жигар циррози билан касалланган беморларда гемостатик тизим мувозанатлашган бўлиб, прокоагулянт оқсиллар билан бирга антикоагулянт оқсиллар ҳам камаяди (Lisman T. et all, 2010). Ўтказилган текшириш

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

натижаларига кўра, декомпенсацияланган жигар циррози билан касалланган беморларда қон ивиш тизими гипокоагуляция томонига силжиган бўлиб, декомпенсацияланган жигар циррози орттирилган коагулопатияга олиб келади ва қон кетиш хавфи кузатилади (Pluta A. et all, 2010). Иккинчи томондан, жигар циррозида гиперспленизм натижасида тромбоцитлар сони камайиб, талокда тромбоцитлар секвестрацияси ошади. Жигар етишмовчилиги мавжуд бўлган беморларда тромбопоэтин ишлаб чиқарилиши камайиб, тромбоцитопения ривожланишини янада кучайтиради.

Ўзбекистонда сўнгги йигирма йилликда Х.Я.Каримов, Т.О.Даминов, И.Р.Мавляновлар бошчилигида атроф-мухит омиллари таъсирида гепатоцитларни мослашувчанлигини шаклланишида цитохром P450 изошакллари ўрнини ўрганиш билан бир қаторда, организмнинг турли патологик ҳолатларида гепатоцитлар, меъда ва ичаклар шиллик қавати ва ўпкада нитрергик тизим ҳолатни баҳоланган, бироқ сурункали вирусли гепатит ва жигар циррозида гемостаз омилларининг бузилишини ташхислаш ва даволаш тизими яратилмаган. Гемостаз босқичлари мувозанатининг бузилиши ва жигар касалликлари этиологияси, клиник белгилари билан боғлиқлиги тўғрисида ишончли маълумотлар мавжуд эмас. Жигар сурункали касалликларида геморрагик синдромнинг кўплаб патогенетик аспекти ва унда гемостатик ўзгаришлар охиригача ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг №006.01.03002 «Турли хил касалликларда гиперкоагуляцион синдромни даволашга янгича ёндашув» (2014-2018) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррозида гемостаз тизими бузилиши клиник кўриниши, коагуляцион ва томир-тромбоцитар гемостазни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррози билан касалланган беморларда геморрагик синдром клиник кўринишини баҳолаш;

вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррозида тромбоцитлар миқдори, морфологик ва функционал хусусиятларини (адгезия, агрегация, ретракция) баҳолаш;

вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррози билан касалланган беморларда коагуляцион гемостаз ўзгаришларини таққосий баҳолаш;

вирус этиологияли жигар циррози билан касалланган беморларда учрайдиган орттирилган тромбоцитопатияни даволаш тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2018 йилларда Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси гематология ва гепатобилиар патологияси бўлимларида вирус этиологияли жигар циррози ва ўртача фаолликдаги сурункали вирусли гепатит билан даволанган 142 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар веноз қони ва суяк кўмиги материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида клиник, гематологик, гемостазиологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор вирус этиологияли жигар циррози ва сурункали вирусли гепатит билан касалланган беморларда геморрагик синдромининг клиник кўриниши асосланган;

вирус этиологияли жигар циррози ва сурункали вирусли гепатит билан касалланган беморларда гемостаз тизимининг кўп учрайдиган патологияси сифатида орттирилган тромбоцитопатия ва орттирилган коагулопатия даражасининг ўзгариши исботланган;

вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррози билан касалланган беморларда тромбоцитлар морфологик тавсифи ва функционал хусусиятлари бузилиши исботланган;

вирус этиологияли жигар циррозида суяк кўмигида тромбоцитлар ишлаб чиқиши камайиши ва гиперспленизм ҳисобига тромбоцитопения ривожланиш механизми исботланган;

вирус этиологияли жигар циррозида тромбоцитлар фаолиятини яхшилаш ва геморрагик асоратлар ривожланиши хавфини камайтириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррозида гемостаз томир-тромбоцитар босқичларида кучли ўзгаришлар борлиги очиб берилган;

вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррозида геморрагик синдром олдини олиш, эрта ташхислаш ҳамда даволаш механизми баҳоланган;

вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррозида гемостаз коагуляция босқичидаги ўзгаришлар ва орттирилган коагулопатияни самарали ташхислаш такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, гематологик, гемостазиологик ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, шунингдек, вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррозида гемостаз тизими бузилишни ташхислаш ва даволаш янгича ёндошув тизими натижалари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррози билан касалланган беморларда геморрагик синдром

ривожланиш механизми аниқланганлиги, гемостаз коагуляцион ва томир-тромбоцитар босқичи патологиялари очиб берилганлиги, тромбоцитлар фаолияти ва қон ивиш плазма омилларини яхшиловчи препаратларни стандарт давога қўшиш тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррози билан касалланган беморларда геморрагик асоратларнинг олди олинганлиги ва камайтирилганлиги, леталликни, даволаниш харажатларини камайтирилганлиги, бемор ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берувчи, тадқиқот натижалари асосида шаклланган амалий тавсияномалар тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррозида гемостаз тизими бузилиш хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Орттирилган тромбоцитопатияни ташхислаш ва даволаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 декабрдаги 8н-д/280-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома вирус этиологияли жигар циррозида учрайдиган орттирилган тромбоцитопатияларни ташхислаш, геморрагик синдромни олдини олиш ва ўз вақтида самарали даволаш тизимини амалга ошириш имконини берган;

вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррозида гемостаз тизими бузилиш хусусиятлари ташхислаш ва даволаш самардорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалари Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти ва Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникаларининг клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 03 майдаги 8н-з/101-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга татбиқ этилиши вирус этиологияли жигар циррозида учрайдиган орттирилган тромбоцитопатиялар ташхислаш сифатини яхшилаш, геморрагик синдром ривожланишини олдини олиш ва касалликни даволаш муддатини қисқартириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 101 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг республика фан ва

технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий текшириш натижалари, олинган натижалар илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот келтирилган.

Диссертациянинг «**Вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррозида гемостаз бузилиши замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида сурункали диффуз жигар касалликлари тарқалиши, жигарнинг гемостаздаги роли, сурункали жигар касалликларида гемостаз тизими бузилишлари, сурункали вирусли гепатит (СВГ) ва жигар циррози (ЖЦ)да геморрагик асоратлар тўғрисида маълумот берилган. Вирус этиологияли ЖЦ ва сурункали гепатит (СГ)да гемостаз тизими коагуляция ва томир-тромбоцитар босқичи патологияси чуқур ўрганиб чиқилган.

Диссертация «**Вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррози билан касалланган беморлар клиник характеристикаси ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва методлари келтирилган. Клиник текширишлар Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси эндогематология ва гепатобилиар патология бўлимларида 2016 - 2018 йиллар давомида бажарилган. Тадқиқотга жигар сурункали диффуз касалликлари билан 142 та бемор олинган бўлиб, шундан 80 таси вирус этиологияли ЖЦ, декомпенсация босқичи, Чайлд-Пью бўйича В синф ва 62 тасини ўрта фаолликдаги СВГ билан касалланган беморларни ташкил қилди (1-расм).



1-расм. Текшириш дизайни.

Барча текширилган беморлар 5 та гуруҳга ажратилди: 1 гуруҳни 30 та HBV этиологияли ЖЦ, 2 гуруҳни 20 та HBV+HDV этиологияли ЖЦ, 3

гурухни 30 та HCV этиологияли ЖЦ, 4 гурухни 32 та СВГ В ва 5 гурухни 30 та СВГ С билан касалланган беморлар ташкил қилди.

ЖЦ ва жигар хужайра етишмовчилиги ташхиси ЖССТ(2008) тавсиялари бўйича Чайлд - Пью классификацияси диагностик критерийлари асосида қўйилди. Вирус этиологияли ЖЦ ва СГ ташхисини қўйишда ПЦР усулида гепатит вируслари маркерлари (гепатит В вируси ДНКси (HBV) ва гепатит С (HCV) ва Д (HDV) вируслари РНКси) ҳамда вирус генотиплари аниқланди. Вирус этиологияли ЖЦ ва СГда вирус юкламаси 1.000.000 МЕ/мл дан кўп бўлди. Жигар фибрози даражасини аниқлаш мақсадида жигар ультратовуш текшируви (УТТ), мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ва фиброскан текширувлари ўтказилди. Барча беморларда умумий қон таҳлили, суяк кўмиги пунктати (миелограмма) ва қон ивиш тизими (тромбоцитлар адгезияси, агрегацияси, ретракцияси, протромбин вақти, протромбин индекси, халқаро нормаллашган муносабат, актив қисман тромбопластин вақти, фибриноген, тромбин вақти текширилди.

Олинган натижалар вариацион статистика усуллари билан ишланди. Ҳисоб ва статистик таҳлил Window's учун мўлжалланган статистик пакет қўлланган ҳолда амалга оширилди. Барча маълумотлар ўртача \pm стандарт силжиш (SD) сифатида кўрсатилди.

Диссертациянинг «**Вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррозида қон кетиш синдромининг клиник хусусиятлари**» номлаган учинчи бобида беморлар шикоятлари, ҳаёт ва касаллик анамнези, объектив белгиларга асосланиб геморрагик синдром ўрганилди. Текширилган беморларда қуйидаги қон кетиш белгилари аниқланди: бурундан қон кетиши 59 (34,30%) беморларда, милқдан қон кетиши 52 (30,23%), тери петехиялари 46 (26,74%), геморроидал қон кетиш 36 (20,93%), қизилўнғач варикоз кенгайган веналаридан (ҚВКВ) қон кетиши 35 (20,35%), ошқозон-ичак трактидан (ОИТ) қон кетиши 29 (16,86%) ва меноррагиялар 20 (11,63%) беморда кузатилди (2-расм).



2-Расм. Сурункали вирусли гепатит ва жигар циррозида геморрагик синдром белгилари

Диссертациянинг «Сурункали вирусли гепатит ва жигар циррозида тромбоцитлар цитоморфологик ва функционал тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида тромбоцитлар миқдори, адгезив, агрегацион фаолиятлари ва морфологик тавсифи келтирилган. Гемограммани текшириш шуни кўрсатдики, ЖЦ асосий гуруҳларида тромбоцитопения кузатилди. Вирус этиологияли ЖЦда тромбоцитопениянинг асосий сабаби ЖЦда ривожланган гиперспленизм натижасидаги панцитопениядир (1-жадвал).

1-жадвал

Сурункали вирусли гепатит ва жигар циррозида периферик қондаги ўзгаришлар

Гуруҳлар	Тромбоцит, $10^9/л$	Эритроцит, $10^{12}/л$	Лейкоцит, $10^9/л$
Назорат гуруҳи (n=20)	222±21,21	4,22±0,37	5,95±1,01
1 гуруҳ (n=30)	148±25,8*	2,88±0,16**	3,54±0,32*
2 гуруҳ (n=20)	146±32,9	2,83±0,21**	3,49±0,19*
3 гуруҳ (n=30)	105±33,5**	3,47±0,54	4,89±0,69
4 гуруҳ (n=32)	247±39,6	3,62±0,53	6,06±1,99
5 гуруҳ (n=30)	198±44,7	3,46±0,30	5,48±1,17

Изоҳ: - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - $P<0,05$, ** - $P<0,01$)

1-жадвалда келтирилишича, СВГ гуруҳларида тромбоцит, эритроцит ва лейкоцитлар миқдори нормада бўлди.

MPV кўрсаткичини ўрганиш шуни кўрсатдики, ЖЦда тромбоцитлар ўртача хажми ошади, бу қонда тромбоцитлар хаёти қисқарганлиги ва натижада ёш шакллари ошганлигидан далолат беради. СВГда тромбоцитлар ўртача хажми ўзгармаган. PDV тромбоцитлар индекс кўрсатишича, ЖЦ ва СВГда кучли тромбоцитлар анизоцитози аниқланди (2-жадвал).


2-жадвал

Сурункали вирусли гепатит ва жигар циррозида тромбоцитлар индекслар


Гуруҳлар	MPV, фл	PDV, %	PCT, %
Назорат гуруҳи (n=20)	8,25±0,64	13,45±0,51	0,28±0,01
1 гуруҳ (n=30)	13,27±1,17***	29,30±1,21***	0,10±0,008***
2 гуруҳ (n=20)	13,57±0,70***	30,57±0,82***	0,10±0,008***
3 гуруҳ (n=30)	10,52±0,76*	22,91±0,92***	0,08±0,008***
4 гуруҳ (n=32)	8,52±0,62	19,21±1,14***	0,26±0,01
5 гуруҳ (n=30)	7,95±0,66	20,24±1,02***	0,25±0,01*

Изоҳ: - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - $P<0,05$, *** - $P<0,001$)


Тромбокритни (PCT) ўрганиш шуни кўрсатдики, вирус этиологияли ЖЦда тромбоцитлар миқдори камаяди. СВГда бу кўрсаткич назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан бир хил бўлган. Тромбоцитлар морфологиясини ўрганганда ЖЦда грануломер кам бўлган ёки бўлмаган тромбоцитлар макропластикалари устунлиги аниқланди (3- ва 4- расм).




3-расм. Сурункали вирусли гепатит ва жигар циррозида тромбоцитлар анизоцитози




Нормал тромбоцитлар



Тромбоцит макропластинкаси



Грануломерсиз тромбоцитлар



Тромбоцитлар анизоцитози

4-расм. Сурункали вирусли гепатит ва жигар циррозида тромбоцитлар морфологик хусусиятлари

Сурункали вирусли гепатитларда тромбоцитлар морфологик ўзгаришлари аниқланмаган (3-жадвал).

3-жадвал

Сурункали вирусли гепатит ва жигар циррозида тромбоцитлар морфологияси

Гуруҳлар	Грануломерли пластинкалар, %	Грануломери камайган пластинкалар, %	Грануломерсиз пластинкалар, %
Назорат гуруҳи (n=20)	95,15± 2,32	3,21± 0,34	1,64± 0,08
1 гуруҳ (n=30)	58,74 ± 5,21***	21,83± 1,54***	19,43±1,96***
2 гуруҳ (n=20)	53,32 ± 4,32***	25,12± 1,68***	21,56±1,02***
3 гуруҳ (n=30)	66,17 ± 3,70***	17,29 ± 1,67***	16,54±1,88***
4 гуруҳ(n=32)	85,72 ± 2,78*	8,44 ± 0,90***	5,84 ± 0,69***
5 гуруҳ(n=30)	87,59 ± 2,66*	7,19 ± 0,68***	5,22± 0,82***

Изоҳ: - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - P<0,05, *** - P<0,001)

Вирус этиологияли ЖЦда тромбоцитопения сабабини аниқлаш ва суяк кўмиги ўзгаришларини аниқлаш учун 15 та HBV этиологияли ЖЦ ва 14 та HCV этиологияли ЖЦ билан касалланган беморларда суяк кўмиги хужайралари цитологик тахлили ўтказилди.

Суяк кўмиги мегакариоцитлар қатори тахлили шуни кўрсатдики, вирус этиологияли ЖЦда суяк кўмигида нофаол, бўш ядроли, тромбоцит тутмаган мегакариоцитлар сони ошган, тромбоцит тутувчи ва тромбоцит ажратувчи фаол мегакариоцитлар эса деярли икки баробар камайган. Бу кўрсаткичлар вирус этиологияли ЖЦда суяк кўмигида тромбоцит ишлаб чиқариш камайганлигидан далолат беради (4-жадвал, 5-расм).


4-жадвал

Вирус этиологияли жигар циррозида суяк кўмигида мегакариоцитлар қатор ўзгариши


Мегакариоцитлар	Назорат гуруҳи (n=15)	1 гуруҳ (n=15)	3 гуруҳ (n=14)
Бўш ядроли мегакариоцитлар,%	12,3±1,1	19,6±1,3***	27,2±0,8***
Нофаол мегакариоцитлар,%	24,1±1,6	24,5±1,5	36,4±0,9***
Тромбоцит тутувчи мегакариоцитлар, %	33,3±1,8	26,5±1,9*	19,8±0,6***
Тромбоцит ажратувчи мегакариоцитлар, %	30,3±1,7	29,9±2,1	16,6±0,5***

Изоҳ: - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (*** - P<0,001)


Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, вирус этиологияли ЖЦ қизил суяк кўмигида кучли гемоцитопоез жараёни бузилиши билан кечган. Суяк кўмиги мегакариоцитар қатори тахлили шуни кўрсатдики, вирус этиологияли ЖЦда бу қаторнинг кучли депрессияси кузатилди.




Бўш ядроли мегакариоцитлар



Тромбоцит ажратувчи мегакариоцитлар



Нофаол мегакариоцитлар




Тромбоцит тутувчи мегакариоцитлар

Расм 5. Вирус этиологияли жигар циррозида мегакариоцитлар турлари

Тромбоцитлар фаолиятини текшириш шуни кўрсатдики, ЖЦ асосий гуруҳларида тромбоцитлар адгезия фаолияти кучли даражада сусайган. Сурункали гепатит В ва С билан касалланган беморларда тромбоцитлар адгезив фаолияти назорат гуруҳига мос бўлганлиги аниқланди (6-расм).

Тромбоцитлар агрегацион хусусиятларини ўрганиш гемолизат-агрегацион тест иккита суюлтириш даражасида бажарилди: биринчи суюлтириш 10^{-2} (ГАТ 10^{-2}) ва иккинчи суюлтириш 10^{-6} (ГАТ 10^{-6}). Тромбоцитлар агрегацион хусусиятлари гемолизат-агрегацион тест биринчи ва иккинчи суюлтиришларида ЖЦ ва СГ барча гуруҳларида сусайганлиги аниқланди.

Тромбоцитлар ретракцияни ўрганиш шуни кўрсатдики, СВГ ва ЖЦ барча гуруҳларида тромбоцитлар ретракцияси камайганлиги гипокоагуляция ҳолати борлигини кўрсатди (5-жадвал).



6-Расм. Сурункали вирусли гепатит ва жигар циррозида тромбоцитлар адгезияси

5-жадвал

Сурункали вирусли гепатит ва жигар циррозида тромбоцитар гемостаз ҳолати

Гуруҳлар	ГАТ 10 ² , сек	ГАТ 10 ⁶ , сек	Ретракция
Назорат гуруҳи (n=20)	15,5±0,8	32,8±1,4	0,32±0,02
1 гуруҳ(n=30)	112,2±10,3***	138,0±8,7***	0,50±0,01***
2 гуруҳ (n=20)	108,4±9,7***	131,1±12,6***	0,52±0,02***
3 гуруҳ (n=30)	98,9±8,3***	131,2±11,6***	0,47±0,02***
4 гуруҳ (n=32)	37,6±2,7***	73,9±8,9***	0,38±0,02*
5 гуруҳ (n=30)	35,4±2,2***	62,3±5,8***	0,40±0,02**

Изоҳ: - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

Хулоса қилиб айтганда, СВГ ва ЖЦда орттирилган тромбоцитопатия ривожланиб, тромбоцитлар адгезив хусусиятларининг 10-26% га камайиши, қон қуйқасининг ретракциясини 47-62% га камайиши ва айниқса тромбоцитлар агрегацион хусусиятларининг 4-7 марта камайиши кузатилади.

Вирус этиологияли ЖЦда орттирилган тромбоцитопатиялар даволашини солиштирма самарадорлигини аниқлаш мақсадида иккита гуруҳ беморларда текширишлар олиб борилди. Биринчи гуруҳда вирус этиологияли ЖЦ билан 30 та бемор аденозинтрифосфат кислота (АТФ) билан орттирилган тромбоцитопатия комбинирланган давоси олишди: АТФ 10 мг 1,0 мушак орасига кунига 1 маҳал 10 кун, этамзилат 12,5% - 2,0 мушак орасига кунига 1 маҳал 10 кун, магне В6100/10 мг 1 таблеткадан 3 маҳал 10кун.

Иккинчи гуруҳда вирус этиологияли ЖЦ билан 30 та беморга Аденозин билан комбинирланган даво қўлланилди: Аденозин 2,0 мушак орасига кунига

1 махал 10 кун, этамзилат 12,5% - 2,0 мушак орасига кунига 1 махал 10 кун, магне В6100/10 мг 1 таблеткадан 3 махал 10 кун.

«Аденозин» инъекция учун эритма бўлиб, Хиндистонда (Claris Injectables Limited) ишлаб чиқарилган. Таъсир қилувчи моддаси аденозин. ишлаб чиқарилиш шакли: инъекция учун эритма 3 мг/мл; 2 мл эритмадан шиша флаконда. Таркиби: хар бир мл препаратда фаол модда 3 мг аденозин бор; кўшимча моддалар: натрий хлорид, инъекция учун сув. Фармакологик хусусиятлари: эндоген биологик фаол модда, организмдаги турли хил жараёнларда иштирок этади. Аденозиннинг кўпгина таъсири аденозин рецепторларининг фаоллашиши билан боғлиқ. Таъсири дархол бошланади. Фармакокинетика: метаболизм тез, дезаминланиш орқали инозинга айланади.

Вирус этиологияли ЖЦ натижасида ривожланган орттирилган тромбоцитопатияларда гемастазиологик кўрсаткичларнинг энг яхши ўзгариши Аденозинни қўллаш натижасида олинди. АТФ билан даволашдан фаркли равишда, Аденозинни қўллашнинг дастлабки 5-кунидаёқ барча кўрсаткичлар кучли даражада яхшиланди (6-жадвал).

6-жадвал

Орттирилган тромбоцитопатияни даволашда адгезия кўрсаткичи, %

Даволаш	Даволаш муддати		
	Даволашдан олдин	5 кун	10 кун
Аденозин (n=20)	18,2±2,3	22,1±3,2	28,2±2,6**
АТФ (n=20)	18,5±4,5	19,6±5,3	21,2±4,6

Изох: - даволашдан олдин гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарклар аҳамиятли (** - P<0,01)

Даволаш схемаси муддатида вирус этиологияли ЖЦда орттирилган тромбоцитопатияни Аденозин билан даволаш, АТФ билан даволашдан фаркли равишда, гемостаз кўрсаткичлари нормаллашишига олиб келди (7-жадвал).

7-жадвал

Орттирилган тромбоцитопатияни даволашда тромбоцитлар агрегацияси

Даволаш		Даволаш муддати		
		Даволашдан олдин	5 кун	10 кун
Аденозин (n=20)	ГАТ 10 ⁻²	112,7±9,5	68,5±5,2***	17,4±2,2***
	ГАТ 10 ⁻⁶	138,3±6,1	76,9±4,3***	36,9±1,8***
АТФ (n=20)	ГАТ 10 ⁻²	113,6±8,2	96,3±8,3	70,5±5,0***
	ГАТ 10 ⁻⁶	129,3±9,6	103,1±8,4*	82,9±4,1***

Изох: - даволашдан олдин гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарклар аҳамиятли (* - P<0,05, *** - P<0,001)

6-ва7- жадвалда келтирилишича, Аденозин билан даволаш АТФ билан даволашга нисбатан анча самаралироқ бўлди. Тромбоцитларнинг адгезия ва агрегация хусусиятлари бузилиши натижасида ривожланган орттирилган тромбоцитопатия Аденозин қўлаганда 10-кунга келиб нормаллашган, бироқ АТФни қўллаш 10 кунда ҳам келтирилган кўрсаткичларнинг фақатгина яхшиланишига олиб келди.

Диссертациянинг «**Вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррозида орттирилган коагулопатиялар солиштирма гемостазиологик характеристикаси**» деб номланган бешинчи бобида жигар синтетик фаолиятини бузилиши, қон ивиш омилларининг синтези камайиши келтирилган.

HBV, HBV+HDV ва HCV этиологияли ЖЦда плазма гемостази биринчи босқичининг кучли бузилиши кузатилди, яъни гипокоагуляция ҳолати кузатилди. Буни аниқлаш мақсадида қон ивиш вақти ва актив қисман тромбопластин вақти аниқланди. 1 гуруҳда қон ивиш вақти бошланиши $352,23 \pm 20,89$ сек.***, 2 гуруҳда $372,55 \pm 8,0$ сек.***, 3 гуруҳ беморларида $342,17 \pm 28,7$ сек.***, назорат гуруҳида $125,30 \pm 14,02$ сек. бўлди. Қон ивиш вақти яқунланиши 1 гуруҳда бошланиши $482,53 \pm 30,37$ сек.***, 2 гуруҳда $488,4 \pm 10,7$ сек.***, 3 гуруҳ беморларида $476,47 \pm 28,96$ сек.***, назорат гуруҳида $248,0 \pm 16,16$ сек. бўлди. Актив қисман тромбопластин вақти 1 гуруҳда $39,4 \pm 3,22$ сек.*, 2 гуруҳда $41,0 \pm 0,51$ сек.*** ва 3 гуруҳ беморларида $38,9 \pm 1,14$ сек.**, назорат гуруҳида $29,1 \pm 3,39$ сек. бўлди. Бироқ СВГ В ва С да плазма гемостази биринчи босқичи кўрсаткичлари нормада бўлиб, назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқ кузатилмади: 4 гуруҳда қон ивиш вақти бошланиши $119,52 \pm 13,79$ сек., яқунланиши $230,33 \pm 15,14$ сек, актив қисман тромбопластин вақти $28,8 \pm 1,69$ сек, 5 гуруҳда қон ивиш вақти бошланиши $116,40 \pm 12,72$ сек., яқунланиши $224,45 \pm 24,47$ сек., актив қисман тромбопластин вақти $27,8 \pm 1,83$ сек. бўлди.

HBV, HBV+HDV ва HCV этиологияли ЖЦда плазма гемостази иккинчи босқичида ҳам кучли гипокоагуляция кузатилди. 1 гуруҳда протромбин вақти $24,7 \pm 1,4$ сек.*, протромбин индекси $49,5 \pm 3,5$ %*, халқаро нормаллашган муносабат $1,9 \pm 0,09$ ** , 2 гуруҳда протромбин вақти $25,2 \pm 1,4$ сек.*, протромбин индекси $47,3 \pm 3,2$ %*, халқаро нормаллашган муносабат $2,0 \pm 0,08$ ** , 3 гуруҳ беморларида протромбин вақти $22,7 \pm 1,9$ сек.*, протромбин индекси $55,0 \pm 4,3$ %*, халқаро нормаллашган муносабат $1,7 \pm 0,07$ *, назорат гуруҳида протромбин вақти $15,5 \pm 1,1$ сек., протромбин индекси $95,6 \pm 11,2$ %, халқаро нормаллашган муносабат $1,0 \pm 0,09$ бўлди. СВГда плазма гемостази иккинчи босқичи кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларига яқин чиқди: 4 гуруҳда протромбин вақти $15,6 \pm 1,2$ сек., протромбин индекси $93,57 \pm 17,36$ %, халқаро нормаллашган муносабат $1,1 \pm 0,14$, 5 гуруҳда протромбин вақти $15,8 \pm 1,4$ сек., протромбин индекси $96,05 \pm 13,19$ %, халқаро нормаллашган муносабат $1,2 \pm 0,11$.

Вирус этиологияли ЖЦда коагуляцион гемостаз учинчи босқичида кучли гипокоагуляцион ўзгариш аниқланди. 1 гуруҳда фибриноген $155,0 \pm 20,0$ мг%*, тромбин вақти $37,0 \pm 4,2$ сек*, плазманинг гепаринга

толерантлиги $518,5 \pm 38,7$ сек.**, 2 гуруҳда фибриноген $138,0 \pm 21,3$ мг%*, тромбин вақти $37,7 \pm 3,2$ сек*, плазманинг гепаринга толерантлиги $502,0 \pm 29,3$ сек.**, 3 гуруҳда фибриноген $159,0 \pm 16,7$ мг%*, тромбин вақти $37,7 \pm 4,3$ сек*, плазманинг гепаринга толерантлиги $502,0 \pm 34,8$ сек.**, назорат гуруҳида фибриноген $290,4 \pm 60,5$ мг%, тромбин вақти $26,7 \pm 1,7$ сек., плазманинг гепаринга толерантлиги $310,0 \pm 57,6$ сек. бўлди. СВГда бу кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан мос бўлди: 4 гуруҳда фибриноген $257,0 \pm 60,0$ мг%, тромбин вақти $28,4 \pm 2,5$ сек., плазманинг гепаринга толерантлиги $335,3 \pm 28,4$ сек., 5 гуруҳда фибриноген $241,1 \pm 55,50$ мг%, тромбин вақти $27,7 \pm 1,8$ сек., плазманинг гепаринга толерантлиги $364,4 \pm 40,9$ сек. бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, вирус этиологияли ЖЦда гемостаз коагуляцион плазма босқичини текшириш шуни кўрсатдики, коагуляцион гемостаз барча уч босқичида гипокоагуляция томонига силжиш мавжуд. Сурункали вирусли гепатит В ва С билан касалланган беморларда гемостаз коагуляцион босқичи ўзгармаган.

ХУЛОСАЛАР

«Вирус этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррозида гемостаз тизими бузилиш хусусиятлари» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Геморагик синдром жигар циррози декомпенсация босқичида (Чайлд Пью бўйича В синф) бурундан қон кетиши $34,3\%$ беморларда, милқдан қон кетиши $30,2\%$, тери петехиялари $26,7\%$, геморроидал қон кетиш $20,9\%$, қизилўнғач варикоз кенгайган веналаридан қон кетиши $20,4\%$, ошқозон-ичак трактидан қон кетиши $16,9\%$ ва меноррагиялар $11,6\%$ беморда номоён бўлган. СВГ билан касалланган беморларда бурундан қон кетиши ва тери петехиялари $9,6\%$ беморларда, милқдан қон кетиши $3,1\%$ беморларда кузатилди.

2. Гемостаз тромбоцитар босқичи кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатдики, жигар циррозида тромбоцитлар адгезив ва агрегацион фаолиятининг кучли сусайиши аниқланди. Бу ўзгаришлар сурункали гепатит босқичида бошланиб, шаклланган жигар циррозида авжига чиқади.

3. Вирус этиологияли жигар циррозида тромбоцитлар морфологик тавсифи ўзгариб, қонда ёш тромбоцитлар устунлик қилади. Вирус этиологияли жигар циррозида суяк кўмиги мегакариоцитар ўсиғи фаолияти сусайиши тромбоцитлар ҳосил бўлиши камайишига олиб келади.

4. Жигар циррозида коагуляцион плазма гемостази гипокоагуляция томонига силжийди. Бу қон ивиш вақти, актив қисман тромбопластин вақти, протромбин вақти, ҳалқаро нормаллашган муносабат, плазманинг гепаринга толерантлиги ва тромбин вақти узайиши, фибриноген, тромботест даражаси, протромбин индекси камайиши билан номоён бўлади. Сурункали вирусли гепатитда коагуляцион гемостаз ўзгармайди.

5. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, вирус этиологияли жигар циррози билан касалланган беморларда геморрагик диатезлар қуйидаги нозологик тузилиши кузатилади: орттирилган коагулопатиялар 50-65%, орттирилган тромбоцитопения 37-53%, орттирилган тромбоцитопатия 70-87% ҳолатларда учрайди. Сурункали вирусли гепатитда орттирилган тромбоцитопатия 43-47% ҳолатда аниқланади.

6. Вирус этиологияли жигар циррози стандарт давосига орттирилган тромбоцитопатияни даволаш учун Аденозин препаратини қўллаш тромбоцитлар фаолиятини самарали яхшилайти ва геморрагик асоратлар ривожланиш хавфини камайтиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

КУРБОНОВА ЗУМРАД ЧУТБАЕВНА

**ОСОБЕННОСТИ НАРУШЕНИЙ СИСТЕМЫ ГЕМОСТАЗА У
БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКИМИ ГЕПАТИТАМИ И ЦИРРОЗОМ
ПЕЧЕНИ ВИРУСНОЙ ЭТИОЛОГИИ**

14.00.29- Гематология и трансфузиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (PhD) ФИЛОСОФИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министра Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Tib696

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.tpa.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Бабаджанова Шоира Агзамовна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Махмудова Азиза Джумановна**
доктор медицинских наук, профессор

Таджиев Ботир Мирхашимович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский институт повышения квалификации врачей**

Защита диссертации состоится «29» 08 2019 г. в 11 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрировано за № 641). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-25).

Автореферат диссертации разослан «9» VII 2019 г.
(протокол рассылки № 9 от «9» VII 2019 г.).



А. Г. Гадаев
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д. А. Набиева
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

А. Л. Аляви
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учебных степеней, доктор
медицинских наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире первое место среди причин смерти при неопухолевых заболеваниях органов пищеварения занимает цирроз печени. Одной из наиболее частых причин возникновения хронического гепатита и цирроза печени является «...инфицирование вирусами гепатита В и С. По данным ВОЗ, инфицирование вирусами парентеральных гепатитов в мире составляет около 325 млн. человек, а более 500 млн. человек имеют безклиническое носительство вирусов. В 2015 г. вирусный гепатит стал причиной 1,34 млн случаев смерти, что превышает смертность от туберкулеза и ВИЧ»³. По данным исследования ряда ученых, эффективность функционирования системы гемостаза по предотвращению кровопотери, нарушений кровотока и восстановлению поврежденных сосудов и тканей определяется состоянием энергетического обмена организма: скорость образования и потребления различных компонентов системы гемостаза зависит от уровня метаболизма тканей. Физиология гемостатической системы тесно связана с функцией печени, поскольку гепатоциты синтезируют большинство коагуляционных факторов, антикоагулянтных протеинов, компонентов системы фибринолиза и стимуляторов тромбоцитопоза. Кровотечение из варикозно расширенных вен пищевода, гематомы, геморрагическая пурпура, носовые кровотечения, одонторея, меноррагии у пациентов с циррозами печени являются актуальными клиническими проблемами.

В мире проводятся научные исследования для достижения высокой эффективности по предупреждению нарушений системы гемостаза при хронических гепатитах и циррозах печени. В частности, описана клиническая картина геморрагического синдрома, изучены количественные и функциональные свойства тромбоцитов у больных хроническими гепатитами и циррозами печени невирусной этиологии. Проводятся исследования по совершенствованию диагностики и лечения нарушений сосудисто-тромбоцитарного и коагуляционного гемостаза у больных с хроническими гепатитами и циррозами печени различной этиологии, разработан механизм оценки эффективности лечения приобретенной коагулопатии у больных с хроническими гепатитами и циррозами печени. Профилактика геморрагического синдрома имеет важное значение в повышении эффективности лечения заболевания.

В нашей стране предпринимаются целенаправленные меры по повышению качества медицинской помощи и медицинских услуг, предоставляемых населению, в том числе повышение на новый уровень диагностику и лечение заболеваний, распространяемых опасными вирусами. Определены задачи исследования по «...повышению эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению страны, поддержку здорового образа жизни и профилактику заболеваний, в том числе путем

³«Глобальном докладе Всемирной Организации Здравоохранения о гепатите 2017 г.»(2017).

формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологических методов диагностики и лечения...»⁴. Реализация этих задач позволит снизить геморрагические осложнения путем повышения на новый уровень диагностику и лечение циррозов печени и хронических вирусных гепатитов и оказания своевременной медицинской помощи, совершенствования использования современных технологий для качественного медицинского обслуживания населения.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП - 4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 – 2021 годы», в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года УП - 5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлению Президента от 20 июня 2017 года ПП - 3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан», а также задач, обозначенных в других нормативно-правовых документах касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан. Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В мире несмотря на большое количество исследований, посвященных изучению ранней диагностики, лечения, прогноза осложнений хронических вирусных гепатитов и цирроза печени, в последние годы в литературе продолжают обсуждаться вопросы о прогностической значимости ряда гемостатических показателей, что свидетельствует о необходимости дальнейшего совершенствования, особенно, в части раннего выявления заболевания. Печень играет важную роль в гемостазе, поэтому диффузные поражения ее паренхимы приводят к сложным нарушениям свертывания крови (Hartmann M. et al, 2016). По последним данным, изменения гемостаза при циррозе печени затрагивают как прокоагулянтную, так и антикоагулянтную системы и вследствие сниженного резерва каждой из этих систем он легко смещается в сторону гипо- или гиперкоагуляции (Clevenger B. et al, 2014). В то же время у больных с циррозом печени гемостатическая система сбалансирована, так как уменьшение прокоагулянтных белков сопровождается также уменьшением уровней антикоагулянтных белков (Lisman T. et al, 2010). По данным проведенных исследований свертывания крови, у пациентов с декомпенсированным циррозом печени наблюдаются выраженные отклонения в сторону гипокоагуляции, которые свидетельствуют о том, что декомпенсированный цирроз печени является причиной приобретенной коагулопатии и ассоциируется с риском кровотечений

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тудан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

